SHU AZIZ **VATAN** — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 6-iyul. Payshanba • 81 (32.296) **Ijtimoiy-siyosiy gazeta** • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда **«Ёшлар куни»,** деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:

биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини таъминловчи, **«Ёшлар — келажак бунёдкори»** шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашиш;

бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадиий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўгараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

саккизинчидан, ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

ўнинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

ўн иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш хизматининг ёшлар сиёсатини амалга ошириш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириш шўъбаси негизида **Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати** ташкил этилсин.

Хизматнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида тизимли ўрганиш ва таҳлиллар асосида соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-кадрлар хизмати бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси** раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати, Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

7. **Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.**

Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назорат ўрнатиш.

8. **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тузилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

9. Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига **«Темурбеклар мактаби»** номи берилсин.

10. Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолияти натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари, «Ёш куч» журнали ҳамда бошқа ёшлар нашрларини чоп этишга ихтисослашган **«Ёшлар нашриёти уйи»** ташкил қилинсин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда **«Қизларжон»** журналини таъсис этсин.

11. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

«Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» республика танловларини, «Китоб байрами» ва «Болалар китоблари» анъанавий республика фестивалларини;

«Биз Ватанга таянчмиз», «Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар» шиорлари остидаги акцияларни;

«Адабиёт ва санъат — шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили» мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувларни;

республиканинг чекка ҳудудларида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун «Бунёдкор халқим билан мулоқот — ижодим илҳоми» мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувларни;

«Энг буюк жасорат — маънавий жасоратдир» мавзусида давра суҳбатларини доимий равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

12. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Ёшлар марказлари биноларини қуриш, Бухоро ва Хоразм вилоятлари Ёшлар марказлари бинолари қурилишини тугаллаш ва фойдаланишга топшириш, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари Ёшлар марказлари биноларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича дастур лойиҳасини;

республиканинг барча туман ва шаҳарларида синов тариқасида 11 йиллик мажбурий ўрта таълим тизимининг жорий этилиши муносабати билан бўшайдиган коллежларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ихтиёрига беғараз ўтказиш, уларнинг негизида барча қулайликларга, жумладан, кутубхона ва китоб дўконига эга бўлган **Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини, шунингдек, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмини 6 ойгача бўлган муддатда касб-ҳунарга тўловсиз ўқитиш марказларини ташкил этиш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг:

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида «катта етакчи» ва «тўгарак раҳбари» штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган **«ёшлар етакчиси»** штат бирлигини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «ёшлар етакчиси» вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг **50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама** белгилаш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, **ёшлар уюшмалари** ҳамда **ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари**ни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида **Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини** ташкил этиш;

юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида **«Мард ўғлон»** давлат мукофотини таъсис этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида **«Келажак бунёдкори»** медалини таъсис этиш;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган **ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш;

таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга **даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш;**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган **шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш,** бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янгиланган устави ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳасини киритсин;

«Мард ўғлон» ва «Келажак бунёдкори» давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича таклиф тайёрласин.

15. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар **ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилади;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиларини сақлаш харажатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тегишли кенгашлари ҳисобидан қопланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси** асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун **ипотека кредитининг бошланғич тўлови** Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича **тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.**

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида **2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастурини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ёшлар уйларини барпо этиш дастурида барча йирик шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ туманларида — 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга **«Матиз» ва «Дамас» автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда:

туман марказлари ва шаҳарларида Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишни;

фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартибини жорий этишни таъминласин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзбектелеком» АКнинг «Yoshlar» телерадиоканали» АЖнинг 50 фоиз акцияларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқига бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Адлия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда «Yoshlar» телерадиоканали» АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

20. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиётини жорий этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Қ.Қ.Қуронбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 июль

• 2017-yil, 6-iyul. Payshanba • 81 (32.296)-son
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини рағбатлантириш бўйича олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Жойларда, аввалгидек чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни» сифатида нишонланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, «Ёшлар — келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ёшлар сиёсати масалалари хизмати ташкил этилиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Ёшлар сиёсати масалалари хизмати Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг бу борадаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш, уларга ғоявий-услубий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўз лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси ҳисобланади.

Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идороларо кенгаши ташкил этилди.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари раислигида Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идороларо кенгашлар фаолият юритади.

Буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, элюртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилади.

Ёшларнинг илмий ва ижодий фаолият натижаларини, илм-фан ва адабиётга бўлган қизиқишларини ҳамда ёшлар сиёсатига оид муҳим янгиликларни кенг ёритиш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг нашрларини чоп этишга ихтисослашган «Ёшлар нашриёти уйи» ташкил этилади. Қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялаш ишларини янада кучайтириш мақсадида «Қизларжон» журнали таъсис этилади.

Фармонга кўра, ёшларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» республика танловлари, «Китоб байрами» ва «Болалар китоблари» анъанавий республика фестиваллари, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтиришга қаратилган акциялар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар билан ижодий учрашувлар ва мастер-класслар тизимли ташкил этилиши белгиланди.

Шу билан бирга, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида «катта етакчи» ва «тўғарак раҳбари» штат бирликларини тугатиш ҳисобига лавозим маоши юқори синф ўқитувчисига тенглаштирилган «ёшлар етакчиси» штат бирлиги жорий этилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «ёшлар етакчиси» вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилиши Фармонда белгилаб берилган.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилади.

Фармонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши белгиланди.

Таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳисобланади ва мақоми бўйича уларнинг биринчи ўринбосарларига тенглаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастурда барча йирик шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ туманларида — 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раисларини рағбатлантириш мақсадида уларга «Матиз» ва «Дамас» автомашиналарини харид қилиш учун 10 йил муддатгача мўлжалланган, бошланғич тўлови 15 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Республикамизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилади.

Фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилади.

«Yoshlar» телерадиоканали» АЖ фаолиятини кучайтириш мақсадида унинг 50 фоиз акциялари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига берилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ҳар ойда камида бир марта ёшлар билан очиқ мулоқотларни ўтказиб бориш амалиёти жорий этилади.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили самаралари ҳар бир соҳада намоён бўлмоқда. Фуқаролар мутасадди раҳбарларга турли шаклларда мурожаат қилиб, ўз саволларига жавоб олмоқда.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ФУҚАРОЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ

Халқаро пресс-клубда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг тўғридан-тўғри мулоқоти бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов хориждаги юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Вазирликда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилган. 2016 йилнинг октябрь ойидан бугунги кунгача вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 6,5 мингдан зиёд ариза тушган. Улардан 3 мингга яқини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, қарийб 3,5 мингтаси ташқи ишлар вазирининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаси ва электрон почта орқали келган.

Мурожаатлар асосан шахсни тасдиқловчи ҳужжат йўқолганда мамлакатимизга қайтиш гувоҳномасини расмийлаштириш, биометрик паспорт олиш, хорижий давлатда Ўзбекистон фуқароларига нисбатан қўзғатилган жиноий ишларнинг холис олиб борилишини таъминлаш ва бошқа масалаларда бўлган. Барча мурожаатлар бўйича амалий ёрдам ёки асосланган тушунтириш берилган.

Халқимизга янада қулайлик яратиш, консуллик-ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг шароит ва тартибларини такомиллаштириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, чет элда ҳужжатлари йўқолган ва мамлакатимизга қайтиш учун гувоҳнома берилишини сўраб мурожаат қилган аризачининг шахсини тасдиқлаш муддати 3 ойдан 7 иш кунига қисқартирилди. Хорижий давлатларда яшовчи ва паспортини биометрик ҳужжатга алмаштиришга улгурмаган фуқаролар учун эски паспортдан йўл ҳужжати сифатида фойдаланиш муддати 2018 йил 1 июлгача узайтирилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги ваколатхоналарда хизмат кўрсатишнинг интерфаол усуллари қўлланмоқда. Бугунги кунда фуқароларга «Интерактив консуллик хизматлари» портали (http://consul.mfa.uz) орқали 12 турдаги консуллик хизматлари кўрсатилмоқда. Чет элликларнинг Ўзбекистонга кириш визаси олишини расмийлаштириш учун http://evisa.mfa.uz веб-сайти яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жорий йилда янги таҳрирдаги Консуллик низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжат чет давлатларда Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини тўла ва аниқ белгилаб беради.

Россиядаги юртдошларимизнинг манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш мақсадида Санкт-Петербург, Қозон, Ростов-Дон, Екатеринбург, Владивосток шаҳарларида консуллик ваколатхоналарини очиш масаласи ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизнинг қатор хорижий давлатлардаги элчихоналарида ходимлар сонини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Ташқи ишлар вазири Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган давлатимизнинг ташқи сиёсати мазмун-моҳияти, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг позициясини тушунтириб берди. Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида йўл қўймаслик, барча мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади.

Видеоконференция шаклида ўтган мулоқотда мамлакатимизнинг бутун дунёдаги 47 дипломатик ваколатхонаси раҳбарлари ҳам қатнашди. Улар, студияга таклиф этилган вазирлик ва идоралар вакиллари ўзларига таалуқли саволларга жавоб қайтарди.

Тадбир телевидение орқали бевосита эфирга узатилди.

А.САМАДОВ,
ЎзА мухбири.

«Ёш сиёсатчи — 2017»

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ энг кучли ёш сиёсатчиси аниқланди

Зангиота тумани Келес шаҳридаги Мусиқа ва санъат мактабида «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 18 нафар ёш сиёсатчи «Савол-жавоб», «Нотиқлик санъати» ҳамда «Лойиҳа тақдимоти» каби шартлар бўйича куч синашди.

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Бугунги танлов қатнашчилари келажакда етук сиёсатчи, депутат, партия етакчиси бўлишига ишонаман. Шунингдек, мазкур танлов ёшларимизни катта мақсадлар йўлида бирлаштиради, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова.** — Иштирокчиларнинг ўз мустақил фикрига эга эканлигини кўриб уларга ҳавасим келди.

— Ўқитувчи бўлганлигим учун ҳам иштирокчиларнинг нотиқлик санъатига алоҳида эътибор қаратдим, — дейди **ЎзХДП фаоли Хуршида Дўстбекова.** — Нотиқнинг асосий хусусиятларидан бири — бу фикрини адабий тилда тингловчиларга чиройли, аниқ етказиб беришдир. Ушбу талабларни бажаришга интилган ёшларда бошловчилик, раҳбарлик, етакчилик қобилияти ҳам ривожланади.

«Лойиҳа тақдимоти» шартида иштирокчилар ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари янги иш ўринлари яратиш, ёшларни жамоатчилик ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича қарашларини тақдим этишди.

— Ногирон, маълумоти йўқ хотин-қизлар ҳамда касб-ҳунар коллежини тугатган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида гиламдўзлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман, — дейди **бекободлик Мафтуна Абдуллаева.** — Лойиҳамнинг умумий қиймати 15 миллион сўм бўлиб, «Микрокредитбанк» кредити ва ўз маблағим асосида иш фаолиятимни бошламоқчиман. Ҳисоб-китобларимга кўра, бир йиллик соф фойда 30 миллион сўмни ташкил қилади.

Оққўрғон тумани вакили Акмал Турсуналиев танловнинг ҳар учта шарти бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Кўтаринки руҳда ўтган беллашувда биринчи ўринни эгаллаганимдан жуда хурсандман, — дейди у. — Республика босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан.

— Бугунги ёшларга ҳавасим келади, — дейди **халқ депутатлари Зангиота туман Кенгаши депутати Шодия Умархўжаева.** — Уларнинг ёшида биз бизнес режа тузиш, кредит олиш нима эканлигини билмас эдик. Ёш сиёсатчиларнинг кейинги фаолиятига ҳам омад тилайман.

— Мен бахтлиман, «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловида Оҳангарон тумани номидан иштирок этган ўқувчим Мадина Абусамадова иккинчи ўринни эгаллади. — дейди **Оҳангарон туман «Истиқбол ёшлар» бўлими референти Гулжаҳон Қосимова.** — Унинг танловга тайёрланиш жараёнида ҳуқуқий билими ошди, партиянинг ғоя ва мақсадларини тушуниб олди.

— Кўрик-танловнинг «Энг ҳозиржавоб иштирокчи» номинацияси ғолиби бўлдим, — дейди **Қибрай тумани вакили Мехринисо Долиева.** — Мен илгари сурган лойиҳа яхши баҳоланди, лекин биринчи шартда ҳаяжонландим. Келгуси йил ҳам ушбу танловда қатнашаман ва албатта ғолиб бўламан.

— «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови мамлакатимиз ёшлари ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Йилдан-йилга унда қатнашиш истагини билдираётган ёшлар сафи ҳам кенгаймоқда, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Мехрожиддин Дархонов.** — Танловда партиямиз сафидаги кўплаб янги истеъдодларни кашф этдик. Хусусан, Чирчиқ шаҳри вакили барча шартларда фаол қатнашди, Ангрен шаҳри номидан иштирок этган Хайруллахон Аҳмадхонов ўзининг ҳозиржавоблиги, фикрлари теранлиги билан барчада яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, танлов жараёнида ёшларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларига эътибор қаратиш, партиямиз ғояларига содиқ бўлган ёшларни сафимизга қабул қилиш юзасидан хулосалар чиқариб олдик.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда «Ёшлар куни», деб эълон қилинди.

ЎзХДП ҳаётидан

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши шу шиор остида спорт акцияси ўтказди.

«ИЖТИМОИЙ КЎМАК — ТАШАББУСКОРЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тўртинчи қурултойидаги нутқи ёшларга оид давлат сиёсатида янги давр бошланганини кўрсатиб берди. Мамлакатимиз ёшларига чинакам суянч бўла оладиган мутлақо янги ташкилот — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиши юрагида ўти бор, орзу-ниятли йигит-қизлар учун ҳақиқий байрам бўлди. Ушбу нутқда билдирилган фикр-мулоҳазалар жойларда ўтаётган ҳар бир тадбир, спорт мусобақаларига янгича руҳ бермоқда.

Тадбирда Наманган вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилором Абдураҳимова Президентимиз нутқида ўртага ташланган масалалар ва уларнинг ҳаётий аҳамияти хусусида фикр билдирди. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида болалар спортининг оммавийлигини ошириш ҳамда ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига бевосита ҳамоҳангдир.

Спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактабида футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, узоқ масофага югуриш бўйича ўтган мусобақаларда Наманган шаҳридаги «Бўстон», «Гулпора», «Баҳор», «Қадамжо», «Чинор» маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган шаҳар кенгаши раиси Мухторжон Исоқов спорт акцияси йигит-қизларни жисмоний тарбияга жалб қилиш, уюшмаган ёшларни бир ғоя асосида бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

Қизғин ва муросасиз ўтган мусобақанинг якуний натижасига кўра, ғолибликни қўлга киритган жамоалар диплом ва спорт анжомлари билан тақдирланди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир концерт дастури билан якунланди. Бир гуруҳ ёшларга партиянинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Жиззах вилоят кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори Жиззах давлат педагогика институтида ўқув семинар ўтказди.

Тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги нуфузини оширишда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдида турган вазифалар хусусида сўз юритилди.

«Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш — бурчимиз», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари», «Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни» лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, аҳолини ўйлантираётган муаммолар ечими бўйича таклифлар билдирилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, «Фаол аёллар» қаноти тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш тартиби, хотин-қизларга оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш йўллари, партия гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Жамила ЁДГОРОВА,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши сектор мудири.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР — ФУҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги кенг кўламли ислоҳотларни янги, янада юксак босқичга кўтариш бўйича дадил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида бу борадаги мақсадларимиз аниқ ва равшан белгилаб берилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш, судьяликка номзодларни танлаш ҳамда судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида қайд этилди.

Бу ислоҳотлар замирида биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишдек улуғ мақсад мужассамлигини яхши англаб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир нутқида, турли учрашувларда асосий мақсадимиз — халқимизни рози қилиш, одамларнинг фаровон яшаши учун барча имкониятларни яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, деб таъкидламоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларининг ташкил қилиниши фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, ушбу судларнинг асосий вазифаси оддий фуқароларни давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳужжатлари ва ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни мазкур соҳани тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

Қайд этиш керакки, дунёнинг таниқли ҳуқуқшуносларидан томонидан мукаммал деб тан олинган Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикасида суд тизими белгиланган 107-моддасида шу вақтгача алоҳида маъмурий судлар мавжуд эмас эди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан юқоридаги модда янги таҳрирда баён қилиниб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар маъмурий судлари фаолият юритиши белгилаб қўйилди.

Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судлар ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Ҳозирги кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди. Шунингдек, ушбу Фармон қабул қилингунига қадар давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низолар умумюрисдикция (фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар) судлари, шунингдек, хўжалик судлари томонидан кўрилиб келинди. Хусусан, 2017 йилнинг биринчи чораги давомида хўжалик судлари томонидан кўрилган ишларнинг 47 828 таси ёки 55,8 фоизини маъмурий ҳуқуқий муносабатларга оид ишлар ташкил этган. Давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган 102 ҳужжат ҳақиқий эмас, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) эса қонунга хилоф, деб топилган. Ушбу ишлар юзасидан 63 нафар айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли суд таъсир чоралари қўлланилган.

Эндиликда ушбу тоифадаги ишлар янги ташкил этилаётган маъмурий судлар томонидан кўрилади.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши биринчидан, маъмурий низоларни кўриб чиқишда ҳуқуқий нормаларни бир хилда қўлланилиши ва татбиқ этилиши, уларнинг сифатли кўрилишини таъминлашга, иккинчидан, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар иш ҳажмининг оптималлашиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий низолардан келиб чиқадиган ишларни кўриш соҳасида судьяларнинг малакаси ошишига имконият яратади.

Шу билан бирга, ҳар бир фуқаро унинг иши ҳар томонлама, тўлиқ ва адолатли ҳал этилиши ҳуқуқига эга. Шу сабабли ҳам суд тизимида алоҳида айнан маъмурий ишларга ихтисослашган йўналишни яратиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Маъмурий судлар бутун дунёда давлат бошқаруви органлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низоларни ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қабул қилган қарорлари қонунийлиги устидан суд назоратини таъминлашнинг энг демократик механизми ҳисобланади. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни маъмурий суд томонидан ҳал этилишининг бир қатор ижобий жиҳатлари мавжуд бўлиб, шикоятлар холис, бетараф орган, қатъий белгиланган процессуал тартиб-қоидалар асосида ошкора, тортишувлик тамойиллари асосида кўрилиши, судда мурожаат этувчига ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун далиллар тақдим қилишга қулай шароит яратиб берилиши, маъмурий судда қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш механизмларининг қатъий белгиланганлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашнинг қатъий тартиб-таомиллари мавжудлиги шулар жумласидандир.

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши жаҳон амалиётига тўлиқ мос келади. Бугунги кунда маъмурий судлар Италия, Франция, Германия каби ривожланган мамлакатларда самарали фаолият юритмоқда.

Қайд этиш лозимки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келганига алоҳида урғу берилди.

Ушбу йиғилишда Президентимиз «Асосий мақсад шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода «Адолат қўрғони»га айлантириш зарур», деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, адолат туйғусини халқимиз азалдан юксак қадрлаб, уни ҳамма нарсадан устун қўяди. Шунинг учун ҳам жамиятда барқарор мувозанатнинг, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшашининг муҳим шарти бўлган бу одиллик тамойилини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш давлатимиз томонидан биринчи даражали вазифа сифатида қўйилмоқда. Жамиятда адолат ҳукм суришида давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни беқиёс.

Ҳозирда 207 та маъмурий судлар янги ташкил қилиниб, жами 262 та судьялик лавозими штатлари ажратилган ва уларнинг барчаси бинолар билан таъминланган. Мазкур судларни етук малакали кадрлар билан тўлдириш борасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Бу ўринда маъмурий судларга фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилганлиги инобатга олиниб, уларга фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда тажриба орттирган малакали судьяларни тайинлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундай ишлар самарасида, маъмурий судлар келгусида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаб, ҳар қандай давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига қатъий ва принципиал баҳо беришга қодир эканлиги намоён бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, маъмурий судларнинг ташкил этилиши мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини суд орқали ишончли ҳимояланишига мустаҳкам замин яратди.

Мўмин АСТАНОВ,
Ўзбекистон Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси ўринбосари.

Миллий матбуот марказида

ПАХТА САНОАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси томонидан пахта саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ пахтачилик соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилгани, шу орқали соҳа корхоналарини модернизация қилиш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олингани тўғрисида ахборот берилди.

— Компаниямиз зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз, — дейди **«Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси бошқарув раиси ўринбосари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ бош директори Жамшид Қодиров.** — Халқаро пахта уюшмаси, Бремен пахта биржаси ва бошқа қатор йирик пахта ассоциацияси ва биржаларига аъзо бўлдик. Покистон, Индонезия, Вьетнам каби янги бозорлар ўзлаштирилди. Пахта хомашёсига бирламчи ишлов бериш технологиясини оптималлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида 2016 йилги мавсумда «олий» ва «яхши» синфларидаги толанинг умумий пахта ҳосилидаги улуши 92 фоизни ташкил этди. Бу эса аввалги йилдаги кўрсаткичдан 10 фоиз кўпдир. Пахта толасини таснифлашнинг миллий тизими такомиллаштирилиб, пахта толаси бўйича янги стандарт қабул қилинди.

Бундан ташқари, ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳасида техник қайта жиҳозлаш бўйича дастурлар сифатли амалга оширилмоқда. 2016 йил ҳосил бўйича биринчи синфдаги биринчи навли сифатли уруғлар улуши 76,4 фоизни ташкил этиб, 2015 йилга солиштирганда салкам 10 фоизга ортган. Пахта ёғи сифати кескин ошиб, унинг ранги 5 қизил бирликкача ортди (жаҳон стандарти), қадоқланган ўсимлик ёғлари ишлаб чиқариш миқдори кўпайди. Мой чиқишининг 1,3 фоизга ортиши ҳисобига 10 миллиард сўм миқдорида қўшимча даромад олинишига эришилди.

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда Фарғона ва Жиззах вилоятларида «ВС1» (Пахтани яхшилаш ташаббуси) принципларига асосланган ҳолда пахтачиликни барқарор ривожлантириш стандартини жорий этиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Матбуот анжуманида пахта тозалаш заводи, ёғ-мой комбинати ва пахта терминалларидаги капитал таъмирлаш жараёнлари, истиқболли лойиҳалар бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

ЕР ТИРИК ВА ОНГЛИ ЖОНЗОТ

деган хулосага келинди

Олимлар Ер тирик ва онгли жонзот деган хулосага келдилар. Таъкидланишича, сайёрамиз Қуёш, ўзини ўраб турган само жисмлари ва ҳаттоки Галактика маркази билан мунтазам ахборот алмашиб туради.

Мутахассисларнинг тахминича, Ер ўз сиртида уни бурғиловчи, портлатувчи ва «биосфера экологиясини издан чиқарувчи» одамлар яшашидан хабардор.

Олимлар охирги вақтда тез-тез юз бераётган зилзила, тўфон, цунами, тошқин ва ҳароратнинг кескин ўзгаришларини «Ернинг инсонларнинг ақлсиз ҳаракатларига жавоби» деб изоҳлашмоқда.

1970-йилларда британиялик эколог Жеймс Лавлок «Гея гипотезаси»ни илгари сурганди. Унда Ер ўзини регуляция қилиши эвазига муҳитнинг асосий кўрсаткичларини доимий даражада ушлаб тура оладиган суперорганизм сифатида таърифланган. Олиндан далиллар шуни кўрсатадики, Қуёшдан келувчи энергиянинг турли даражаларида ҳам сайёрамиз сиртидаги ҳарорат деярли ўзгармайди.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

рекорд кўрсаткичга етди

Қайта тикланувчи энергия манбалари ассоциацияси маълумотларига кўра, 2017 йилнинг биринчи ярмида Германия ушбу энергиядан фойдаланиш қувватини 35 фоизга кўтарди.

Германия 2022 йилга бориб ўзининг атом электр станцияларидан босқичма-босқич воз кечмоқчи. Сўнгги 20 йил давомида мамлакатдаги қайта тикланувчи энергия манбалари барқарор ривожланиб бормоқда.

2017 йилнинг муайян қўёшли ва шамолли кунларида Германияда қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинган электр энергияси улуши 85 фоизгача етди.

Ҳукумат юз йилликнинг ўртасига бориб, декарбониз иқтисодиётга ўтишга ваъда берган ва 2050 йилга бориб, қайта тикланувчи энергия манбаларини 80 фоизга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

2020 йилда иссиқхона газлари чиқиндиларини 40 фоизга, 2050 йилга бориб эса 95 фоизга қисқартиришга эришилади.

ВИРУС

йирик контейнер портининг юк терминалини ишдан чиқарди

Дунёнинг кўплаб компанияларига ҳужум қилган товламачи-вирус Ҳиндистондаги Жаваҳарлаъл Неру номли йирик контейнер портининг юк терминалини ишдан чиқарди.

Маълумотларга кўра, юк оқимини компьютер бошқариш тизими ишдан чиққан. Терминал раҳбарияти ишни қўлда амалга оширишни ташкил этишга уринмоқда, бу эса юкларни тушириш ва ортиш суръатига жиддий таъсир қилмоқда.

Жаваҳарлаъл Неру дунёнинг 30 та йирик контейнер портларидан бири саналиб, экспорт-импорт юкларининг ярмидан ортиғи шу ерда қабул қилинади ва жўнатилади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Адолат туйғусини халқимиз азалдан юксак қадрлаб, уни ҳамма нарсадан устун қўяди.

«Тараққиёт стратегияси» марказида Болонья декларациясига мувофиқ, Ўзбекистонда олий таълимни модернизация қилишнинг инновацион ёндашувларига бағишлаб семинар ўтказилди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақсад ва вазифалар муҳокама этилди.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА — ИННОВАЦИЯЛАР ЎРНИ

«Тараққиёт стратегияси» маркази «Erasmus+» лойиҳасининг Ўзбекистондаги Миллий офиси билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Европа Иттифоқининг юртимиздаги делегацияси, олий таълим соҳасидаги экспертлар миллий жамоаси вакиллари, «Tempus» ва «Erasmus+» лойиҳалари иштирокчилари, журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари У.Бегимқулов, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори А.Бурхонов, «Erasmus+» лойиҳасининг Ўзбекистондаги Миллий офиси координатори А.Абдураҳмонова ва бошқалар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилганини таъкидлади. Дастур доирасида миллий кадрлар рақобатбардошлигини, олий таълим тизимини тегишли жаҳон амалиёти даражасигача ошириш, иштирокчи давлатлар дипломларини ўзаро тан олиш, ўқитувчи ва талабалар алмашиш дастурини амалга ошириш имконини берадиган 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласи кўриб чиқилади. Шу муносабат билан семинарда Болонья декларацияси жараёни, унинг ривожланиш ва асосий принциплари тўғрисида умумий маълумот берилди.

Семинар иштирокчилари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва ундаги олий таълим соҳасига оид боблар билан таништирилди. Уларга Болонья жараёнини ривожлантириш тарихи ва унинг фаолиятидаги асосий принциплар тўғрисида маълумот берилди, олий таълимни Болонья жараёнига мувофиқ модернизация қилишнинг инновацион ёндашувлари муҳокама қилинди.

Болонья жараёни принципларини илгари суриш ва жорий қилиш, олий таълимни байналмилаллаштириш борасида тажриба орттириш, сафарбарликни ташкил этишда «Tempus» ва «Erasmus+» лойиҳаларининг роли, Европанинг имтиҳон балларини конвертация қилиш ва тўплаш тизими (ECTS) инобатга олинган ҳолда, малакани тан олиш ҳамда дастурлар яратиш масаласига бағишланган маърузалар тингланди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг 42 олий таълим муассасаси «Tempus IV» ва «Erasmus+»нинг 20 лойиҳасида иштирок этмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг мазкур лойиҳаларга қизиқиши йил сайин ортиб бораётир.

Юртимиз ўқитувчи ва талабалари кредит мобиллиги бўйича 85 лойиҳа доирасида Европа олий ўқув юртларида ўқиш ва малака ошириш имкониятига эга бўлди. Европалик ўқитувчилар эса Ўзбекистонга маъруза ўқиш ва семинарлар ўтказиш учун келди.

Ўтказилган иккита танлов натижаларига кўра, ишлаб чиқилган режага мувофиқ, ўзбекистонлик 461 ўқитувчи Европа университетларида малака ошириб, ўқитишнинг янги усулларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, 2017-2018 ўқув йилида Европа саноат корхоналари ва ноакадемик йўналишдаги тегишли шерик ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ имконияти яратилади.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири.

ҲАР ИССИҚ НОНИНГНИ ҚУЁШДАЙ КЎРДИМ...

Бугун қайси даврада бўлманг, одамлар ғалла мўл бўлганини хушнудлик билан гапиришмоқда.

Ҳа, нон бор уйда ғам йўқ. «Ғалласи бор уйнинг — алласи бор», — деган мақол бекорга айтилмаган.

Ўзбекистон буғдойзорларида етилган олтин бошоқлар соҳилга сиғмай тебранмоқда. Хирмонлар донга тўлмоқда. Тандирларда гуриллаб олов ёнмоқда. Қутлуғ хонадон бекалари шоир таърифлаганидек, «тандирга камондай эгилиб ҳар тонг» сават-сават нонлар ёпмоқдалар. Нақадар оромбахш лаҳзалар... Бутун оламни нон иси тутмоқда. Бу дунёда нон исидек хушбўй ис бўлмаса керак. Нон исини ҳаёт иси, тириклик иси, дегим келади.

«НОНГА ТЎЯДИГАН КУНЛАР КЕЛАРМИКИН?»

Отамнинг болалиги урушдан кейинги қаҳатчилик йилларига тўғри келган. У бошидан кечирган кунларни шундай хотирлайди:

— Уч ёшлигимда онам оғир касалликдан вафот этди. Отам тонг ёришгандан то қоронғу кечгача колхозда (жамоа хўжалиги) меҳнат қиларди. Бир кунлик оғир меҳнат эвазига кечга бориб, колхозчиларга маккажўхоридан тайёрланган 2 дона кафтдеккина чавати нон бериларди. Бувим билан кун бўйи оч ҳолда эшикка термулиб ўтирардик. Отам кун ботганда базўр юриб ҳовлига кириб келар, қўлидаги чавати нонинг биттасини бувимга, биттасини менга узатарди. Ўзи эса сандалнинг бир четига ўтириб, оч ҳолда бизни кузатарди. Мен ҳеч кимга қарамасдан, нонни шошиб-пишиб ғижимлаб оғзимга солардим. Барибир қорним тўймасди. Сандал устига ёпилган қўрпа ичига бошимни суқиб, хаёлга чўмардим: «нонга тўядиган кунлар келармикин?»...

Бир куни оч қолган итимиз нонни қўлимдан илиб кетди. Буни кўриб турган отам итни қувлаб кетди. Ит биздан ҳам оч бўлган чоғи, нонни бир пастда ютиб юборган экан...

Отамнинг бу ҳикоясини биз болалар нафасимизни ичимизга ютиб, ички бир изтироб билан тинглаганимиз ёдимда.

«ОҲ, НОН-А, НОН»

Очарчилик йилларида кўп аянчли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган Нозихон бувим дастурхонга тўкилган нон ушоқларини қўллари титрабгина териб, оғзига солар экан, «Оҳ, нон-а, нон», — деб қўярди. Биз ҳайрат билан қараб турганимизни сезиб, «Эҳ болаларим-а, уст-бошингиз йиртилса, ямаса бўлади, аммо қоринни ямашнинг иложи йўқ. Бир замонлар бир бурда нонни деб одамлар не кўйларга тушган-а», — деб қўшиб қўярди. Бувим гапириб берган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Очарчилик одамларнинг силласини қуритган йиллар экан. Ҳар куни қишлоқда кимдир нобуд бўлгани ҳақида гап тарқаларкан. Маҳалладаги бир бадавлат одамнинг оти нобуд бўлибди. Бой қўшниларга отни томорқанинг бир бурчагидаги дарахт тагига кўмишни буюрибди. Лекин икки-уч оила отни сўйиб, бўлиб олиб, оч қолган болаларига пишириб беришибди. Болалар очлик балосидан омон қолишибди.

Ҳа, оиламизда нонларнинг азиз неъматлиги, унинг увоғини увол қилиш ҳам катта гуноҳ эканлиги мана шу тарзда онгимизга чуқур сингдирилган. Шунданми, биз опа-укалар нонларнинг ушоғини ҳам кўзимизга суртамиз. Ҳалол меҳнат қилиб, ризқ топиш ва борига шукр қилиб, қаноат билан яшаш бизнинг ҳаётий тамойилимизга айланган.

ЭНГ АРЗОН ВА ЭНГ ҚАДРЛИ НЕЪМАТ

Бугун замонамиз тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин. Дўконларимизда турли-туман нон ва нон маҳсулотлари сероб. Биз бу кунлар шукроналарини қанча айтсак ҳам ярашади. Ҳашаматли тўйхоналарда дастурхонларни юз хил нон ва пиширириларга тўлдириб, тўй-томошалар, юбилейлар, ифторликлар ўтказаяпмиз. Баъзи ўринларда меъёр чегарасидан чиқиб, ҳатто исрофгарчиликларга йўл қўйиляпти...

Ўза суратлари.

Замондошларимиз, айниқса, бугунги ёшлар одамлар бир бурда нонга зор қолган кунларни билиши керак, деб ўйлайман. Ўшанда нон қадрига кўпроқ етади. «Машина қиммат бўлиб кетди», — деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бундайларга қарата:

— Ҳой биродарлар, нимага ваҳима қиласиз? Машина инсон ҳаёти учун шунчалик муҳимми?.. Кўча тўла машина-ку. Олдинги замонлардай тиқилинч автобусларда юрмаётган бўлсак...

Талабалик йилларимда баъзида «Тошкент — Фарғона» йўналишидаги автобусда ўн соатлаб тикка туриб манзилга етган пайтларим бўлган. Ҳозирчи, автоуловларга танлаб, сайлаб ўтирамиз.

Қолаверса, автомашиналар савдо-сотиғидан тушадиган маблағ давлатимиз хазинасига қўшилади-ку. Бу маблағлар яна ўзимизга, фарзандларимизга сарфланади-ку. Юртимизда мингминглаб беморлар ётиб, бепул даволанаётган диспансерларга кетадиган бир кунлик харажатни ким ўйлаб кўрган? Болаларимиз таълим олаётган ўқув муассасалари таъминотига йилига қанча-қанча маблағлар сарф қилинишини ким ҳисоблаб чиққан? Шаҳар ва қишлоқларда кундан-кунга қад ростлаётган тиббиёт, ўқув муассасалари, спорт иншоотлари-ю, дам олиш масканлари, йўллар ва кўприклар қандай маблағлар ҳисобига бунёд бўлмоқда?... Осмондан пул ёққанини ким кўрган?..

Кимдир бозордаги нархноводан, автомобиллар русумларидан гапиради. Озгина нолиш ҳам қилади. Ким учундир бу масалалар аҳамиятли эмас. Далаларда бошоқлар чайқалиб турса, унинг кўнгли тоғдай кўтарилади, тандир тўлиб нон ёпилса, кўнгли тўқ бўлади. Яратган берган ноз-неъматлар, тинчлик-тотувлик учун шукроналар айтади.

БУГУН ОНА ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОСИЛ ФАСЛИ

Ён-атрофимизга бир назар ташлайлик, дунёда нима гаплар бўляпти?

Нигериянинг миллион нафардан ортиқ фуқароси очликдан азият чекмоқда. Яманнинг 17 миллион фуқаросига озиқ-овқат танқислиги хавф солмоқда. Жанубий Судан, Эфиопия, Кения, Уганда ва Бурундида қурғоқчилик, ҳарбий ихтилофлар ва озиқ-овқат инқирози сабабли 23 миллион киши оч қолмоқда. Чорванинг камайиши ва ҳосилсизлик сабабли ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошмоқда. Сомалида қурғоқчилик сабабли озиқ-овқат ва ичимлик суви етишмовчилиги юзага келган, бундан ташқари, мамлакат қишлоқ хўжалиги касодга учраган. Бу нохуш гапларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Энг аянчлиси, ўтмишда эмас, бугунги кунда миллионлаб болалар қорни нонга тўймай, мактаб кўрмай улғаймоқда. Кишини қаттиқ ташвишга солади бу воқеалар...

Бугун Она Ўзбекистонда ҳосил фасли. Ғалламиз мўл бўлди, хирмонлар донга тўлди. Болаларимиз бағримизда ўйнаб-кулиб ўсмоқда. Беихтиёр тилимга Халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари келади:

Сени ушбу кунда
қутлайман, юртим,
Ризқингни бут қилди
олтин хирмоним.
Ҳар иссиқ нонингни
қуёшдай кўрдим,
Дунёга нон берган
Ўзбекистоним!

Салима ХОЛДОРОВА,
Навоий кон-металлургия комбинати мутахассиси.

Пойтахтимизда «Жаҳон адабиёти» журналининг 20 йиллиги муносабати билан халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎПРИГИ

«Ўзбекистонда мустақиллик даври маънавияти ривожида «Жаҳон адабиёти» журналининг тутган ўрни ва аҳамияти» мавзуида ташкил этилган анжуманда мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, таржимонлар, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, академик Б.Назаров, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Ш.Сирожиддинов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар мамлакатимизда маънавий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш жараёнида китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, аввало, ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу эзгу ишлар силсиласида «Жаҳон адабиёти» журнали халқимизни жаҳон адабиётининг энг сара намуналари билан таништириш, китобхонлик муҳитини яхшилаш, ўзбек таржимонлик мактабини ривожлантириш ва адабиётимизни янги ижодий тажрибалар билан бойитишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур журнал йигирма йил аввал — 1997 йил 27 февралда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган. Бу янгилик мамлакатимиз маънавий-маданий ҳаётида тарихий воқеа бўлган эди. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг фидокорона хизматлари, жонкуярлиги ва ташкилотчилиги билан қисқа фурсатда тахририятда таниқли таржимонлар, адиблар, мунақкидлар жам бўлган, уларнинг самарали меҳнати натижасида мазкур журнал нуфузли нашрга айланди. Ўтган даврда журналнинг 240 сони нашрдан чиқди. Уларда 100 дан ортиқ роман, 200 дан зиёд қисса, мингдан ортиқ ҳикоя ва новелла, мингга яқин ижтимоий-фалсафий, адабий-бадиий, илмий-назарий мақола ва эсселар эълон қилинди.

— Бугунги мураккаб глобаллашув даврида миллий маънавият, миллий ўзлик ва маданиятни асраб қолиш, ўз мустақил фикри, дунёқараши ва эътиқодига эга, юксак ахлоқли ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим масалаларидан бирига айланди, — дейди «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев. — Журналимиз шакл-шамойили ва мундарижасини бугунги даврнинг ана шундай ўткир ва долзарб талабларидан келиб чиқиб белгиламоқдамиз. Айниқса, ёш авлоднинг онгу тафаккурини бойитиш, улар қалбини эзгу ғоялар, ойдин орзулар билан тўлдиришда жаҳон адабиёти намуналари ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Конференцияда бадиий тафаккуримиз юксалишида «Жаҳон адабиёти» журналининг ўрни, дунё адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари, мазкур нашрда Ғарб адабиётшунослиги талқини каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°С)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+45/+30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+45/+30
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+43/+27
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+45/+30
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+43/+27
Тошкент шаҳри	+41/+26

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Saidkamol XODJAYEV, Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 1:09
Topshirilgan vaqti — 02:45
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 4 5 6